

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма хукуқида
УДК: 336.77.066(575.1)**

ТОШПУЛАТОВ ДАВРОН АКРОМОВИЧ


**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ
БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий маслаҳатчи: Н.Жумаев



ТОШКЕНТ-2022

1182

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	15
1.1. Банкларда рискларнинг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ...	15
1.2. Банк рискларини баҳолашнинг назарий асослари.....	26
1.3. Банк рискларини бошқаришнинг зарурлиги	37
1.4. Биринчи боб бўйича хулоса	51
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ	53
2.1. Тижорат банкларида ликвидлилик рисклари таҳлили ва уларни бошқариш.....	53
2.2. Банкларда фоиз рискларни баҳолаш ва бошқариш	67
2.3. Банкларда валюта рискини баҳолаш ва бошқариш	78
2.4. Иккинчи боб бўйича хулоса	84
III БОБ. КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ.....	86
3.1. Банкларда кредит рискларини баҳолаш ва бошқаришнинг аҳамияти..	86
3.2. Банкларда кредит рискларини скоринг рейтинг тизими орқали баҳолаш	114
3.3. Кредит риски мукофотини ҳисоблашни такомиллаштириш	126
3.4. Учинчи боб бўйича хулоса	133
IV БОБ. БАНКЛАРДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	135
4.1. Банкларда операцион рискларни бошқаришнинг зарурлиги.....	135
4.2. Банкларда ўз-ўзини баҳолаш усули орқали операцион рискларни бошқариш.....	144

4.3. Банкларда операцион рискларни риск инцидентлари рўйхатини шакллантириш орқали баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш	156
4.4. Тўртинчи боб бўйича хулоса.....	167
В БОБ. БАНК РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	169
5.1. Банкларда рискларни стресс-тестдан ўтказиш орқали баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш.....	169
5.2. Банклар корреспондент банкларга лимит ўрнатиш орқали контрагент рискларини бошқариш.....	179
5.3. Банк рискларини риск аппетити ва риск профили орқали баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш.....	188
5.4. Бешинчи боб бўйича хулоса.....	202
ХУЛОСА	204
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	207
ИЛОВАЛАР	219

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда юз берайтган турли ҳил инқирозлар, жумладан молиявий ва банк инқирозлар тижорат банкларида фаолиятида турли ҳил рискларнинг пайдо бўлишини кўрсатиб турибди. Албатта бу рискларни оқилона баҳолаш ва бошқаришни талаб қиласди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, банк секторидаги рискларни нотўғри ва ўз вақтида баҳоламаслик рискларни кенг тарқалиб, нафақат бир мамлакатда, балки бутун дунёда инқирозли ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Бу нафақат давлат даражасида, балки халқаро миқёсда ҳам рискни тартибга солувчи органларнинг пайдо бўлиши зарурлигини тушунтиради. Жумладан, Базель қўмитаси, Жаҳон банки каби халқаро молия ташкилотлари банк рискларини баҳолаш, бошқариш ва тартибга солиш бўйича доимий равишда ўз тавсияларини бериб бормоқда. Рискларни бошқариш концепцияси Халқаро Стандартлаштириш Ташкилоти (ИСО) 31000:2018 да “ташкилотни (ёки стандартнинг бошқа фойдаланувчисини) рискга нисбатан назорат қилиш ва бошқариш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракат¹” сифатида эътироф этилиши ҳамда рискни бошқаришни стандартлаштириш рискни ҳар доим баҳолаш ва бошқариш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон мамлакатларининг инвестицияларга бўлган талабларини рағбатлантириш, инвестициялар ресурс базасини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш, қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, худудларда инвестиция фаоллигини ошириш масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада миллий иқтисодиёт ва алоҳида олинган минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тўлақонли ташкил қилиш негизида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётда

¹ ISO 31000:2018, Менеджмент рисков <https://www.iso.org/ru/iso-31000-risk-management.html>